

ОИЛАДА ФА ЖАСЕМ ИЯТ

15

сон

11 – 17 апрел
2001 йил

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни – 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамгармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамгармаси

БАХТ БИЛАН УЧРАШУВ



Ахил, баҳти, оиласлар ҳакида эшитсан ҳамиша кувонаман. Бу галиси ҳам шундай бўлди. Фиждувоннинг олис Кўкработ кишилогоғида бир файзли оиласда бўлдим. Бу ўйнинг иккита қариси бор: биринчиси - 96 ёшли Шариф бобо Эшматов, иккинчиси - 200 ёшли тут дарахти... Шариплар хонадонининг эркатой ўғлони Аҳаджон бир сухбатда ўйидаги ту дарахти ҳакида гапирган эди. Ҳамкишлолари уни турон тути деб номлаган экан. Шу-шу машхур кекса тутни кўришга кизикиб қолдим...

Борганимда Шариф бобонинг фарзандлари йигиладиган кун экан. Бу, одатдаги дам олиш кунларининг бири - якшанба эди. Бирин-кетин ўғил-қиз, невара-келинлар йигила бошлашди. Негадир бобо безовта, гоҳ-гоҳида дарвоза томонига қараб-қараб кўядилар.

Кўз кувонадиган ўғил-қизлар, неваралар бобо билан кўришиб, дуосини олиб туришибди.

- Нима учун отангиз безовталар? - дея сўрайман астагина Аҳаджондан.

- Ота-да, узоқдагисини кутаятилар, - деди у киши жумбокди тарзда.

Бироз вакт ўтгач, Шариф бобомизнинг сабрлари чидамади, ахийри ёрилдилар.

- Соатгинам келолмади-я, айтмовдин-гларми уни?

- Отажон, ахир ўйимизда тўй бўлаётгани йўқ-ку, нима деб чакирамиз уни, узок йўл бўлса... - кимдир ўзича тушуниришига уринди. Бобо жимгина тикилиб қолдилар.

Мен чалфитиши ниятида:

- Шариф бобо, Соатгинам деб кимни айтаяпсиз? - дея сўрайман.

- Келин-куёвларни гоҳида кулдириб, ҳоҳида уялтириб, саволлар берадиган ўғлимни да, нима, танимайсизми уни? - бобо астойдид жавоб берадилар. - У ҳам сиздек Тошканда туради...

- Э, телевидениедаги «Келин-куёў» кўрсатувининг муаллифи ва бошловчи Соят Шарипов менинг ўғлим динг, танимун уни, танимайман...

Узоқдаги ўғилдан гап очилганига отанинг чеҳралари ёришиб:

- Булар нимани билашарди, - дея фарзандлари томонига ишора килдилар, болаларим йигилган кун мен учун тўй-да! Тўй дегани бундан ортиқ бўладими? Бугун ҳаммаси келолмади, кўриб турган-

ларингиз ярмиси. Ҳудога шукр, илоҳим менинг ўшинга киришсин, фарзандларининг роҳатигина кўришсин. Сизга ҳам шуниятим юксин, болам, омин...

Эзгу-ният, дуолар тасириданни ҳаёлга толасан киши. Баҳти оиласлар остонасига қадам кўйсанг, бутунлай бошқа бир оламга тушшиб колгандек бўласан. Атрофинги кучкудат, бутунлик, ҳавас куршайди.

- Ҳавас қисса, астойдил талпинса, Аллоҳ берар экан, болам шукр... - Шариф бобо худо охиста, гўё ўз ўларига гапираётгандек сўлайдилар. Ахир, 96 ёш ҳазилакам умр эмас. Бунинг устига Шариф ота умрини дала-даштда меҳнат билан ўтказди.

Фарзандлар тарбияси - уларга ҳалол лукма топиш, едирши, кийинтириш заҳмати...

Булар барни айтишгагина осон. Бўйи-бўйини ошган азамат ўғиллар, меҳрибон кизлари Аллоҳнинг марҳамати, чин ниятларни маҳсули эмасми?

Бугун Шариф бобонинг бир дунё бўйлиги бор. Бугун Шариф бобонинг топган-тутгани бир ховлига сигмайди: 6 ўғил, 3 қиз,

50, га яқин невара, чеваралар бутун мамлакатимиз бўйлаб Шариф бобонинг номини эъзозлаб, шарафга буркаб, турли со-

ҳаларда хизмат килишагни.

Одатда кўпинча "Бахт нима", - деб сўрашади. Янглишмасам, шу куни чинакам баҳт нима эканини англагандек бўлдим. Баҳт билан учрашдим, десам булат бўлмас.

Ховли ўртасидаги Турон тутига, Шариф бобога зимдан тикилиб, ажаб бир ўхшашлик туман. Шариф бобонинг юзидаги ажинлар, кўлларидаги узун-узун чизиқлар ўзига хос қарилак аломатлари тутга монанд. Уларга караб турсанг, узок тарих, турли воказе-ходисалардан сўлайтгандек...

Ҳакимбек, Аҳад, Нетъмат, Соат, Сайд, Самандар ва Халима, Раҳима, Роҳила Шариф бобо эккан, ўстирган ниҳоллардир. Бугун чинорлар сафига кўш-кўш неваралар кўшилаяти, чеваралар кўпайти. Янги ном, янги авлод, демакки, Шариф бобонинг умри давом этмоқда, ҳамон униб-ўсиб, мевалар бермоқда.

Шу кун сұхбатимизнинг кўри, даврамизнинг тўри суюкли Шариф бобони-ни бўлники бўлди.

Ражаббой РАУПОВ

БУ КУНЛАР - БИЗНИНГ КУНИМИЗ

Ватан. Оила. Ижод.

- Бу кунлар - бизнинг кунимиз,-деди шоир, рашувчилар сафида бўлганди.
таржимонг Мирализ Абзам Ўзбекистон озодлигининг ўнинчи баҳори ҳақида гапишаётib. - Шоир бугун ҳам ўшандай катта курашувчаник ружи, самимият билан изход қилмода. "Қирқ болага қирқ савол" шеърий тўпламу яқинда нашр этилди. Кутлибека Раҳимтўпламларида шоир Ватан азизигини соғиниб боевани муштариийларимиз аёл қалбининг шебрлар ёзганди. "Ога, сизга не сўрасаниз бераман, алмо тилимни бермайман", -дека саксонинчи шиллардаёт ўзбек тили шаъни учун ку-

- Хақиқатдан ҳам "Тўйгулар", "Хақиқатнинг кўзлари", "Бир чўнтик ёнгўк" каби шеърий ми яқинда нашр этилди. Кутлибека Раҳимтўпламларида шоир Ватан азизигини соғиниб боевани муштариийларимиз аёл қалбининг шебрлари ёзганди. "Ога, сизга не сўрасаниз бераман, алмо тилимни бермайман", -дека саксонинчи шиллардаёт ўзбек тили шаъни учун ку-

- Тоғ тоф билан учраша, тошлар ҳақида сух-

батлашишади,-дешшиади. Ижодкорлар оиласида ҳам баҳт ва қувончдан яралаётган адабиёт, санъат ҳақида кўп гап бўлади. Шу боис Абзамовлар оиласининг фарзандлари 14 ёшли Орзу ва 11 ёши Нажотда ҳам адабиётга мойиллик бор. Бу оила юртимиздаги мустақиллик боис ўз имкониятларини кашф этаётган кўплаб оиласарнинг бири.

“СЕНИНГ КАРИЧИНГ
УНДАН КАТТА ЭМАСМИ?”

Тўғри, унинг соchlari опопок, Лекин сочин оқартган қайгу - бир миллатнинг қора қайгуси.

Тўғри, унинг кўзлари хира, Лекин кўзим равшан бўлсин деб - Жигарининг қонин ичмайди.

Тўғри, унинг кўллари кучсиз, Лекин кувват, мадор тиланиб душманига очмайди кафтин.

Тўғри, бели, оёғи майиб, Лекин ёлғиз Оллоҳ, олдида букилади, тушади чўкка.

Ўзгаларга узалса агар, ундан ошиб кетиб қаричим бармоқларим... чопиб ташларман.

ЎЗБЕКИСТОН.

БАХОР

Куёш - бир меҳрибон: тоғларнинг бўйнига мингган муз - юкни охиста итариб тушириди.

Лолалар акли: анонранг кўйлаклар кийиб, тошларнинг кўримсиз жойларин яширди.

Ялпиз куюнчак: икки кирғоқ аро сикилмасин деб, тўпланиб келишибди сувнинг қошига.

Дараҳатлар бир ахил: шавқ билан кўлига тизган гулларин баравар кўттарди бари бошига.

Қизғалдок журъатли: томларнинг устига югурниб чиқиб, шамолда йикимай турибди кулиб.




Булултлар фидойи: марварид, дурларин ташлади, ўтқир чакмок билан кўксини тилиб.

Ер қаттиқ қувонди, унинг қувончи Юзига ёйилди бўлиб гул, чечак. Шунчалар яхши бу ўлкада энди Энг яхши одамлар яшаши керак.

БИЛМАГАН ЭКАНМАН...

Билмаган эканман симларни... Сасингиз келтиридан мен билдим: Ҳушдарак бўларкан бу симлар. Куёшли кунлари тепамда Камалаб бўларкан бу симлар. Калдиргоч чиройли тизилса, Кўзмунҷоч бўларкан бу симлар. Шабода торларин чертганда, Ҳушчакча бўларкан бу симлар. Билмаган эканман қоғозни... Баҳт, иқбол бўларкан бу қоғоз. Кўнглимнинг кечасин ёритар Бир ҳилол бўларкан бу қоғоз. Сўзингиз суврати бинафа, Бинафшазор бўларкан қоғоз. Дија кўйганда кўз билан кирсанг, Салкин диёр бўларкан қоғоз. Билмаган эканман мўъжизаларни... Кутлибека РАҲИМБОЕВА, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими



Суратда: Шоирлар Мирализ АБЗАМ ва Кутлибека РАҲИМБОЕВА фарзандлари Орзу ҳамда Нажот билан.

Ишқ ила лиммо тўла кўнглим ҳамон, Биргина шу ишқ ила жоним омон.

Кетса ишқ бир дам агар ташлаб мени, Кўнглимнинг осмонини босгай тумон.

Йилама: бу шунчаки жодули сўз - Кетса ишқим, борлигим бўлгай гумон.

Севгисиз асло яшашни истамам, Минг тарафдан менга ўқ отсин камон.

Менга ҳеч бир қаршилиқдан фойда йўқ, Мен биландир жонгинам - янги замон!

Кимки мени айро этса севгидан, Шубҳасиз бўлгай аниң ҳоли ёмон.

“Мирализ Абзам! Севиклинг ким?” дегин, Амиринг, азизинг, аъзаминг менман, Умрингда сўнг чақмок мен бўлажакман.

Чекингдаги ўртоқ мен бўлажакман, Этингдаги тирнок мен бўлажакман.

Азалдан то абад юз йил, минг йиллар, Юзларингга муштоқ мен бўлажакман.

Агарда ухламоқ истарсанг ухла, Бошингдаги ўйғок мен бўлажакман.

Ёвларинг кўпайса, сени бундан-да, Кучлантиргич байрок мен бўлажакман.

Адашсанг боши бўрк кўчалар ичра, Йўл кўрсаткич бармоқ мен бўлажакман.

Айро кетар бўлсанг менсиз йўлларга, Рухингдаги чарчоқ мен бўлажакман.

Амиринг, азизинг, аъзаминг менман, Умрингда сўнг чақмок мен бўлажакман.

НОМАРДЛИК

Таътилга чиққанимиздан бўён ҳар куни эрталаб соат тўрт яримда ўйғониб стадионда югурман. Чунки, маҳалладаги ўртоқларим билан иккига бўлиниб роса футбол ўйнаймиз.

Бугун ҳам энди ўйнашни бошлаган эдик, нариги командада ўйнаётган Дилшод оёғимга бир тепди. Оёғим қаттиқ оғрий бошлади. Аммо, мен барипер ўйинни тўхтатмадим.

Ўзимга-ўзим “сен кучлисан, оёғинг сира ҳам оғримаяпти”, - деда ишонтирдим. Чунки, оёғим оғрий ўйинни тўхтатсан кучимиз камайиб, енгилиб қолишимиз мумкин эди-да. Мен командаизмини хужумчиси эдим.

Бор кучим билан ўйна иккى марта тўп урдим. Биз ютдик. Ўйин тамом бўлгач, оёғим худа қаттиқ оғримягани чидомлай, ўтириб олдим. Оёғим чиқиб ҳам кетган экану, жон-жаҳдим билан ўйнаётганим учун сезмаган эканман.

Атрофимни хамма ўртоқларим ўраб олишганди. Дилшод эса... сал нарида бир ўзи турарди. У номардлик қилди, шунинг учун ҳам унинг командаси ютқизди.

Нажот АБЗАМОВ

САБР

“Сабр шай - озин” - доно қонда,
Шула амал қилинг шайни айлаб,
Аммо унда қандайниш илаз,
Борзинни сабабни тозида.

Аскад МУХТОР

Сабр - икки қадам ортга чекинмок,
Бир қадам олғаси турар олдинда.
Сабр - шабнам бўлиб ўтларга инмок,
Эзгу орзуларни авайлаш қинда.

Сабр - кунлар бўйи нажот кидириб,
Охирни кашф этмоқ ёруғ тонгларни.
Фафлат зарротларин қалбдан сидириб,
Ватанда яратмоқ қаҳқашонларни.

Сабр иллат эмас. Ҳақиқий сабр -
Тупроқлар бағрида яшовчи кудрат.
Софлик боғин курад гулдураб ахир -
Сабрнинг олтини шундан иборат.

Мирализ АБЗАМ



«ҚЎШДАРАХТ»
Орзу АБЗАМОВА
чиғзган сурат.

ЭЛ АРДОҒИДАГИ ИНСОН

Ўзбекистон Халқ Демократик партияси Марказий Кенгашидан адабиёт ихолосмандарининг Ўзбекистон Халқ шоюри Абдулла Орипов билан учрашуви ўтказилди.

- Шоирни билмаган ким бор. Унинг шеърлари ҳар бир ўзбек хонадондани кириб борган. У давлат мадҳиясини яратган ижодкор сифатида ҳам машҳурdir, - деди Ўзбекистон ҲДП марказий

Кенгашининг биринчи котиби Абдуллағиз Жалолов "Туркестон-пресс" муҳобири билан сувхатда. - Абдулла Орипов ватансевар, ҳалқсевар, эрк күйиси сифатида элга танилган ижодкордир. У партияизмининг таникли фаоларидан бирни, Марказий Кенгаш сиёсий ижория кўмитаси ва Олий Мажлисидаги фракциясининг аъзоси ҳамдир. Унинг шеърлари

доимо севиб мутолаа қилинган. Эртанги куннинг адабиёт ихолосмандарни ҳам худди шундай иштиёқ билан ўқишига шубҳа йўқ. Учрашува "Истиқбол" ижодкор ёшлар клуби аъзолари шоир шеърларидан намуналар ҳамда ўзларининг Абдулла Ориповга багишланган шеърларини ўқидилар, санъаткорлар шоир шеърлари билан айтиладиган кўшикларни ижро этилар.

АҲБОРОТ

ҚИЗҒАЛДОҚ СОҒИНЧИ

Айни кўклам қизғалдок сайлига чиққанимисиз?

Табиат гўзл, сизни ўзига ром этади. Шу чоқ кўлинигизга шеърий тўплам тушиб колсалчи. "Зарафшон" нашриёти ўз мухлислига ана шундай баҳор қайғити-ла яратилган янги мажмуани тақдим этиди. Муаллифи Дилмурад Санжар (Исломат). Тўпламнинг беш юз нусхаси сиёҳи кури-

масданоқ сотилиб кетди.

- Буни ўзим ҳам кутмагандим,

- деди муаллифи "Туркестон-пресс" муҳобири билан сувхатда.

Бизнингча, асосий гап ўтиздан ортиг шеърларни ўзида жамалган китобнинг лотин тақрилла шарфларда чиқарилганди. Уни каттаплар катори талаబалару мактаб ўқувчилари, барча мутодла килиши мумкин.

«ТУРКИСТОН-ПРЕСС»

Олимжон (ишхонада баш инженер Олимжон Содикович деб аташади) севгилиси Гуласалга уйланди. Эх-хе, ўша кунлар жуда баҳти кунлар экан. Ийлар... Гуласалин буткүл ўғартыриб юборди. Яна ким билади, дейсиз? Аслида уни ўзи шундайми-ди? Бир қараса, «Қачонгача иккى хонада тикилиб яшаймас! Одамларга ўхшаб ховли курсак бўлмайдими?» – дейа жанжал қилса; яна бир кун: «Фалончи хотинига тилла тақинчоқ олиб берибди ёки пистончи мингта кўйлак

гайиб колишиди. Аввал бувилири қараган бўлса, энди ўзлари колишиарди. Болалар битта хонада ўйнашар, иккинчи хона эса тўйга аталаған, гуруч, ёғ, газлами каби турил ашёлар билан тўла эди. Ховлига кўчиш учун кунлар исишини кутиб туришганди. Болалар бир куни ўйнаб телевизор кўриб туришганди экранда турли фокуслар кўрсанча бошланди. Кўзобойлойчинг ёниб турган оловни ютиши болаларни хайратга солди. Хасан беписанд кўл силтади:

- Э, бунақ машини ҳамма хам

лаларни кувонтиарди. Кўшини аёл галати ҳид ва болаларни жон ачиғига дод солиб, йилгатганин овозидан безовта бўлиб эшикни тақиллатди.

- Холаҳон, ёрдам беринг, ёна япмис! – чуввос солиши болалар. Бироқ калит Гуласалда эди, темир эшикни эса очишнинг иложи бўлмади. Ўт ўчирувчилар келгунча, алнага деразадан тепага отила бошлаган, болаларнинг овози эса эшитилмай колганди. Ўт ўчирувчилар билан изма-из Гуласал ва Олимжон ҳам етиб келишиди. Ўт

ШУҚОТГАННІ ТОШБ БЎЛМАС

олибди, мен-чи? Сизга тегиб нима кўярпман, севмайлар кетай», – дейа кўз ёши тўкарди.

Кутилмаганда қўшини ёллар билан бозорга савдо килгани чиқа бошлади. Олимжон қаттироқ гапирганди, Гуласал шошкин солди: «Мен ҳам ёшлигимда яхши кийиниб, ўйнаб-кулини истайман. Болаларимни кўфирчоқдай ясатиб кўймокчим! Қачонгача оймай-май санаф кун ўтказамиш?»

Бозорга чиқканда етмагандай, бозорчи дугоналари билан чёт элга катнай бошлади. Давомли уруш-жанхаллардан беғзан Олимжон ҳам хотинини гапи билан бозорга чиқди. Одамлари юришиб, ховли олишибди. Гуласал ширин хаёлларга берилиди:

- Эзга чиқиб ўғилларимизни тўйи билан ҳовли тўйини бирга ўтказамиш. Бир тўй киляйликни...

Улар кечани кеча, кундузни кундуз демасдан бозорда куришганда, болалар ҳам ул-

қила олади.

Хусанга бу гап ёқмади:

- Хечам-де, билсанг қилиб кўрчи?

Ақа-укалар тортиша-тортиша газхонага боришди. Каттиқ килиб ўралган қозоз яхши ёнмаганин сабабли ерга ташашди. Xусан:

- Қозоз ловуллаб ёниши учун керосин керак, - деди.

Бугап Ҳасанга ҳам маъкул келди. Нариги хонада турган керосинни идиш копконги очиша-тиб ағанатиб юборишиди. Эшикдан акаларини кузатиб турган Мерхи:

- Аямга айтиб бераман, айтиб бераман, - деди чапак чалиб.

- Фотима-чумчук жим бўлгун, - деганча Ҳасан полни артмоқчи бўлиб, баттар ҳамма ёқга суркаб юборди. Бир пасда гилем-у, матоларга керосин ёйиб кетди. Болаларда эхтиёткорликдан кўра ўйинкароклик устун келиб, қозоз парчаларини ёкиб ўйнай бошлади. Коғозларни ловуллаб ёниши, бо-

йчирилди...

Аммо уй ичида манзара...

- Ох, болаларим! – Олимжон маъносиз нигоҳини кўкка тикканча колди.

Гуласал ер муштлаб, оҳ чекарди:

- Э, Худо! Бойликка учмай мен ўлай, менгина ўлай! Болажонарим қайтинг! Қайтаринг! - деганича бехуш йикилди.

Ха бу аянчли кисмат эди... Ичилган сувни, ўтган умрни ортга кайтариб бўлмаганидек, дунёдаги ҳеч бир куч бу одамларга болаларини кайтариб берга олмайди, энди. Азизлар! Бир куни келиб афсус-надоматнинг заҳарли шаробини ичмаслик учун кўйлнинг кирби бўлган мол-мулкни одамдан, инсоний кадр-кимматдан юкори кўймайлик.

Ахир, йўқотганни топиб бўлмаслини ҳар биримизга кундай равшанку.

Сайёра
ШОЕВА

Киссадан-
хисса

ЭНГ ЯХШИ ҚАЙНОНА БЎЛАМАН!

Азиз «Оила ва жамият», сенга хеч кимга айтольмаган дардимни ёзаялмани. Мактубни ёзаялману кўлим қалираб, ҳарфлар бир-бирига ёпишиб кетаётпти. Мен бу катни ёзмасдан олдин кўп ўйладим, дилимдагиларни тўкиб солишига қарор қилдим. Чунки сен мени хаётдаги энг яхши сирдошимиз. Ёш им 30 да, 4 нафар фарзандим бор. Эрим билан севишиб турмуш курмаган бўлсак ҳам, бир-бirimизни жуда яхши тушунамиз. 12 йилдан бери бирон марта менга кўл кўтаргандарини эсломайман. Хуласа, турмуш ўртогим яхши одам. Қайнонам мени келин қилиб олмасларидан олдин ўйимизга қатнай-катнай чарчагандилар. Келин бўлиб хонадонларига келдими, ҳамма ғалвалар кейин бошланди. Ота ўйимдагиларнинг ҳаммаси ўқимиши, тушунган инсонлар. Келган кунимдан бошлаб қайнонам: «Мен қизимга 6 та патнисда атир, улою соғун, шампундан тортиб кўёвга соқол оладиганинча қилидим! Лекин сенинг онангинг орзу-ҳаваси ўй экан», - деган сўзларни тарорлайверди.

Олдининг индамадим. Кейин онамга бориб бор гапни айтдим. Онажоним эса: «Кизим, бу охирги гап ташишинг ушинг, сўккани сўк ошинг», - деб уришиб бердилар. Шундан кейин умуман майда гапларга эътибор бермайдиган бўлдим. Шу орада Аллоҳ мен-

га фарзанд ато этди. Турмуш ўртогим иковимиз роса курсанд бўлдик. Онажоним куво-кувона бешик олиб келдилар. Эртаси куни ўйда: «Бешик тўйида онасини олиб келгани шуми», - деб анча кўнглисизликлар бўлиб ўтди. Чидадим. Аллоҳ мени синадими, ёки гуноҳларимга яраша жазо берди, тўртичини фарзандим түғилгани кўрганигем мустит бўлиб, 3-4 ой ўзимга келолмай, анча қийналдим. Қайнонам менга ёрдам бериши ў ёқда турсин, ёки бу овсиинимнида бир ҳафта, ўн кун ўйк бўлиб кетарди. Бу ҳам майли шу орада синглум ҳам фарзандли бўлиб у ҳам мустит билан оғриди. Қайнонамга шу ҳам баҳона бўлди: «Ўзи сизларни автолингизда ўзи касал бор эканда», - деб минг хил гап-сўз қилид. Бу сук сурадиган, яны авлоддан-авлодга ўтадиган қасаллик эмаслиги учун индамни. Ҳудога шукур, кичинча ўғлим ҳам бир ёшга етиб қолди. Бу аёл қайнонасини ўмонлаш эмас асло. Менга энг алам килидиган жойи ўзимга оном, синглум ҳам фарзандли бўлиб кетарди. Лекин минг афсус, Қайнонамни: «Ўзимга касал хотин олиб берибманда», - деган гапларни жон-жонимдан ўтиб кетди. Илоҳим, Аллоҳ дардимга шиф берисину, турмуш ўртогим иковимиз фарзандларимизни роҳнатини кўриб юрайлик, - деб орзу қилиманди. Эрим эса онасига хеч нарса дег олмай сизларни, мени соглигим ўмонлашашётгинини кўриб ўндан баттар қийналади.

«Қайнона билан келининг тупрени бир жойдан олади», - дейишиди. «Илоҳум ундей бўлмасин, мен дунёдаги энг яхши қайнона бўламан. Тилагим шуки, хеч ким, хеч қочон чарчадими, - деб орзу қилиманди. У киши Куръон тиловат қилиб, Оллоҳдан аёлнинг оиласини мушкулопини осон кимлоқликни сўраб, кўзда ёш билан дуо килид. Фотихадан сунг руҳимда аллақандай бир енгиллик сездим.

ТУХТАБОНУ

ЖАҲОЛАТТА ЙЎЛ БЕРМАЙЛИК

Хаётда ҳар хил тасодифлар рўй бериб турди. Инсон биргина қалтис ҳатоси учун бир умр шаймон чекиб ўтиши ҳам мумкин. Мен хикоя қимлоки бўлган маъшум воқеа ҳам тасодифан рўй берган. Б. исмли танишимни яқинда бозорда кўриб колдим. У етти ёшли ўғлини етаклаб олган эди. Боланинг ўнг қўзи шарф билан бояғлаб кўйилди. Хол-ахвол сўрашдик. Мен танишимнинг ўғилчасини эрзалағ: «Ха, кўзга нима қилди жиён? Ёки шўхлини килиб болалар билан уришдингизми?» - деб сўрадим.

- Йўк... - деб жавоб берди Б. - Болалар билан уришган ўйк... Мен ўзим» - у оғир хўрсунди ва дардни охангда сўзлаб юшади. Укам келиб: «Боланинг ўйимизни зингизни кўзга кириб ўтган ёкининг олиб чиқиб кетибди», - деди. Мен ахмок, жаҳул устида сурштимар, чой ичиб ўтирган пийлам билан буни урдим (Афсуски, пул кейин укмани ўзидан чиқди). Пиёлланинг синиги кўз кораҷигига теккан экан. Кўргуликни қарарни, ўнг кўзини шифокорлар олиб ташлаши... Энди эса ўнга ясама кўз кўйдирини керак», - деди.

Танишимнинг нигоҳи ерга кадалди. Назаримда танаси титраб кеттандек бўлди. Мен лолотиб колгандим. Караҳтиликдан ўзимни ўқотиб кўяждидим. Боланинг яна бир бор разм солдим. Бола - бола экан-да, у гўё ҳеч нарса рўй бермайдек дадасидини кўлини кисганича менга тикилиб турарди... Унинг соғ кўзи шўхнини ўтканлини ўзидан... Дилим ўтранни кетди. «Болажон, сени айбинг ўй, эканлини! Наҳотки, Зингизни сунг пульни деб пуштишаноҳинг сени бир умрга ногига айлан гўлса. Ҳозир ўшсан, эрта ўсиб-улгайсанг,

Эркинжон ҲАЁНБОЙ ўғли

ДУОНИНГ ХОСИЯТИ

Мен Мирзо Улубек туманидаги «Диёра чойхонаси»да нон ва кандолат маҳсулотлари цехидаги шайланман. Якинда Занги ота бо бонанинг кабрларини зиёрат килишга чоғландим. Эрталаб соат 9 ларда ишдан чиқиб, ўйлга тушдим. Автобусда китоб ўқиб кета туриб, адашиб ўтиб кетибман. Кейин тўшиб шу йўлнинг четида турган аёлдан «Занги ота» зиёратхозига бориш йўлини сўрадим. Шунда аёлнинг юзлари ёришиб, кўзларидан ўшчиликни кетди.

- Зиёратга борсангиз, менинг ҳакимга ҳам до килинг. Ҳозир озрок пулни бор. Лекин, сумкамда 2-3 кг маккаждуҳори бор. Илтимос, озигина маккаждуҳори беради. Куръон тиловат қилинг. Меннинг исимни Мұхаббат, - деди маккаждуҳори берди.

Аёлнинг гапларига қараганда у Сиргали туманидаги Дўстлик-2 мавзесида истиқомат қилар экан. Катта ўғли ҳукм килинган, иккиси ўғли 18 ёшда бўлиб ногирор экан. Шулаҳ ҳақига дуо килишимни сўради.

- Аёлга: «Она менда ортиқча пул бор, шу пулни олинг, қайтариб кетадиги ҳарзини тақиладиги», - деди. Аёл рад эти.

Мен хомум кайфиятда зиёратхозига бордим. Занги ота зиёратхозига учрасидаги бўлгандан бўлиб кетарди. Ҳарнигидаги ҳарзини тақиладиги, ким ким килишганни сўради. Ҳарнигидаги ҳарзини тақиладиги, ким ким килишганни сўради.

Эрталаб танишларим ҳам неғадир менга кўпроқ илтифот кўрсатишар, келишган йигит бўлмасам ҳам қизларини кўзи менда эди. Мен Оллоҳнинг борлигига минг карра амин будим. Ҳаёлмада эса кўз ёши ила маккаждуҳори берган Мұхаббат опа ҳамда зиёратхозига шайхнинг «Ўзим сизга Оллоҳ ёр, пирлар мададкор бўлсин», - деган дуоси келаверади.

Рўзиқул НИЗОМИДДИНОВ

Tурмуш ўртоғим билан ота-она-миз хошишига кўра оила курганмиз. Икки нафар фарзандимиз бор. Худога шукр, ҳозир хеч бир нарсадан камчилигимиз йўқ. Қайна-та-қайноман, қайним ва қайн-сингилларим билан бирга яшаймиз. Қайним ўйланган. Жами ўн уч киши қозондан овқат еймиз. Бир оила-шунча киши яшагандан кейин икти-содий қийинчилиги ҳам шунга яраса бўлади, албатта.

Бошида оиласидан анча нотинчлик-лар бўлди. Бирок, қайна-та-қайноман

Болалар тарбияси, уйдаги майдо-чўй-да ишлар, эрнинг қош-қовоғига караб, кўнглига йўл топиш осон эмас. Шунинг учун кўп маҳалда аёлларнинг ёнини олардид. Бир йил давомида эти-са-киз соатлаб бир киши билан муттасил ҳамсұхбат бўлсанг, унга кўниб қолар-кансан. Биз ҳам Шоқир билан бир-би-римизга анча ўрганиб қолгандик. Туш-лини бирга киладик. Нима бўлса, бир-би-римизга илинадик. Шу ўшгача (тав-бад деб айтаман...) эримга хиёнат килиш ўёқда туриш, бу нарсани хаёлмега келтиришини гуноҳ деб билардим. Шунинг

олиб турардик. Унга берган пулимдан ҳеч кимни хабари йўқ, сабаби пулларнинг ҳаммаси менда туради. Шу воеадан сўнг орадан ўн беш кун ўтгач, нега-дир Шоқир ҳазил аралаша менга севги изхор килди. Бўйдик йигитнинг икки болали аёлга севги изхор қилиши мен-да таажжуб ўйғотди. Ҳазиллашиб, кул-гуга олдим. Аммо, у яна бир-икки бор шу ѡқада сўз очди. Бир гал ҳатто Самарқандга бориб (у ерда холамни кизи яшайди, Шоқирни бўлса синглиси ша-хар марказига келин бўлиб тушган) ай-ланиб келишини, лекин уйдан меҳмонга

фига деб орадан бир ой ўтгач, мен ун-дан пулимни сўрадим. У сармояси камроқ эканлигини, кейинроқ пул йи-ғиб берисини айтди. Аммо, орадан уч-турт ой ўтди ҳамки, пулни берай демасди. Унга бир неча бор қарзини эслатдим. У гўё хеч кимдан қарзи йўқдек, гапимни хотиржамлик билан эштар, куйиб-пишиб айтган гапларим парвой-ига ҳам келмасди. Охири сабрим чи-дамай унга қаттиқ гапирдим. Шунда у менга: "Ха, бермасам нима киласиз? Агар бирорвага (эримни назарда тутид шекилли) гиринг деб оғиз очсангиз, шармандангизни чикараман", - деди томдан та-раша тушгандай. Шунда кўзим ярк этиб очилгандай бўлди. Яхшия, бир вақтлар шайтон йўлига кириб у так-лиф қылган жойларга бормаганимга, оиласига, болаларимга хиёнат қылмаганимга шукроналар айтдим. Мен ундан ёмонлик биланмас, балки худди унинг ўзида, маккорлик билан (аёлларни мак-ри қиркта эшакка юк бўлади, дейиши-ди, энди билсан, эрқакларни найран-ги ҳам ундан қолишимас экан!), яхни яхши гап билан пулимни олишим мум-кинлигини тушундим. Ўзимни шунчалар соддалигидан куйиниб кетдим. "Мен мол-дунёга учмагандим-ку, ахир эримни бор-йигига қаонаст кишиб юрудим-ку, нахотки бирорваги оғиз ширин гапи мени кўзимни шунча хира кишиб кўйган бўлса", - деб ўзимдан хафа бўлдим. Ўша дамда бу мулойимхуңук, му-ноғиқ йигитдан кўра кўпоп-кўрс мумо-лали эрим кўзимга фариштадек кўринди...

Ўйлаб-ўйлаб, йиглаб-сиктаб Шоқирга ёлғон гапиришга мажбур бўлдим (ўз пулимни олиш учун бундан бошқа чора топа олмадим!). Шундай ҳам пулни бўлиб-бўлиб, тўрт ой давомида берисини айтди. Шунга ҳам шукр қилдим. Азизлар, пул кўлнинг кири, қимири-лан жон пул топиши мумкин. Лекин ин-сонда одамийлик, ўзаро ишонч деган нарса ҳам бор-ку. Бошидан ўтган гапларни хеч кимга айтольмайман, дардим ичимда. Хеч қачон излаганинг истаганингдай бўлмас экан. Сабр-бардош йўлдошинг бўлиши, сиринг юрагингда қолиши шарт экан. Ҳалигача, ҳак йўли-дан адаштирганинг учун Яратнга шукроналар келтираман. Одамни гап-сўзидан кимлигини билса бўлади, дейишиди. Бирок, кўзингта караб чўнта-гинга кўз олайтирадиган қишилар ҳам кўп экан. Азиз аёллар, опа-сингиллар, эхтиёт бўлинглар. "Синалмаган отнинг сиртидан ўтма", дегани рост, синама-ган киши билан ҳеч қачон одли-берди қимлант, менга ўхшаб пушмайни қилиб, ўзингизни кечиролмай юрманг...

РАЙНО


· Янгиер шахри

СИРИНГ ЮРАГИНГДА ҚОЛСИН ЭКАН

Лўриги билан барча оиласидан аъзолари бараварига ҳаракат қилиб, қийинчилини ёнгидик. Қайнатом ўзлари нафакада бўлишларига қарамай, авто-устахона очдилар. Мен ва овсиним эса чеварлар кила бошладик. Кейин эрим иккаламиз туманимиз марказидаги бозорда савдо-сотик билан шуғулла-на бошладик. Шундан кейин ишларига анча юришиди. Бирок, бу кунга сликча эришганимиз йўқ. Бошидан ўтган қийинчиликларни ёлғиз. Яратнинг ўзи билади.

Лекин, инсон хаётида бирбири муаммалар, камчиликлар келиб чикаверар экан. Оиласидан нолимайман, аммо... Негадир турмуш ўртоғим билан кўпинча келиша олмай, тез-тез ўришиб қола-верардик. Бирон келишмовчиллик чикса, у киши дарҳол бакириб кетадилар. Ен-верида одам бор, уят бўлади ҳам дәмдайди. Эримнинг ақалли байрамларда бир дона гул билан табриклиганини эслай олмайман. Ҳалигача келинлигимдаги (тўйим булганига ўн йил бўлган) кийимларини кияман. Тўғри, бахт кийим-кечак ёки тилла тақинчо-да эмас. Аммо, кўнгиг деган нарса ҳам бор-ку. Аёл киши бўлганингиздан кейин меҳра, бир оғиз ширин сўзга мух-тох бўлар экансиз. Эрим табиатан оғир, вазим. Шунгич учунни, у кишидан ширин сўз ўёқда туриш, ҳатто саволимга зўрга жавоб оламан. Эрим билан факат болаларимни деб яшаб келаман. Лекин хўжайини фарзандла-римга худа ҳам меҳрибон.

Саиддан кўлим бўшаган пайтда газета, журнал ўқийман. Ёнимда Шоқир исмли бир йигит савдо қилиди. У ўйланмаган, ўши 30да. Шоқирнинг отаси ёшлигига оламдан ўтиб кетган, шунинг учун оиласидаги рўзгор бу уч опа-сингилни ташвиши ҳам уни бўйнида. Кўпинча у билан газетадаги мақолалар юзасидан бахслашиб қолардик. Мен аёл киши бўлганим, қолаверса оиласи бўлганим учун газетадаги масла-хату-маддад сўраб мактуб йўллаган аёлларни жуда яхши тушунаман. Аёл кишига ҳеч ҳам осон тутиб бўлмайди.



учун у билан муносабатни ўзаро бир мөвёрда саклашга интилардим.

Лекин, "Канийди эримнинг ҳам табиати Шоқирнидек бўлса", - деб орзула-ганимни ҳам яширомайман. Шоқир ши-ринсўз, илтифотли эди. Кишининг кай-фиятини дарҳол пайқаб, хафа бўлсан-гиз кўнглигизни яхши гаплар билан кўтаришга ҳаракат қилиди. Оиласи бўлсам-да, баъзан: "Кайси пешонаси яркраган тегаркан унга", - деб ҳаваслан-ганиман.

Афуски, одамнинг оласи ичиди деб бежиси айтишмаган экан. Бундан бир йил мукаддам Шоқир мендан 80.000 сўнг пулни айлантириб, бир ой ичиди кайтариб бериш шарти билан олганди. Қасбимиз боисидан бир-би-римиздан тез-тез пул

ми? Агар олсаям, икки болангла оталик қилидами? Бир кунлик роҳатинги деб бир умр бахтиси бўлиб қолмай", - деди. Ҳоламнинг гапини эшитиб, ўйланиб қол-дим ва Шоқирга ҳеч қаерга боролмас-лигими айтдим. У жудайм хафа бўлиб: "Ағус, умримда биринчи марта аёл кишига дилимдагини ошкор қилдим-у, шундаймад рад жавобини олдим. Ҳа, эрим-изигини бахти бор экан-да", - деди. Мен уни кўнглини оғритмаслиг учун, "Ҳа, дам ойинши ҳам вакти келар", - дедим. Ўша айтган бир оғиз гапим келажакда бо-шияга калтага бўлиб тушишини билга-нимда эди...

Танишилик ўз йўлига, хизмат ўз йўри-

ДИЛ ИЗХОРИ

МЕНИНГ БИР МОМОМ БОР ЭДИЛАР...

Менинг бир момом бор эдилар. Ўлганларига 15 йил бўлди. Мусичадан-да беозор эдилар. Юрганларидан ҳатто обёк товушлари эшилтмасди. Гўёки ер озор чекасин дегандага авай-лабигина қадам босардилар. Ўтириб-турганида кўйлакларини ёнгил шамолидан раҳон-лар иси анкири. Мўжказигина сандикларида саноқли кўйлак, рўмолларини ҳафса билан таҳлардилар. Шу эди у кишининг атирилари ва бу атиринг иси бир умр димомигуда колди. Хилви-рабигина қолган қўчокларни мен учун оромбахш бешик эди. Кўруқшаган кўллари сочиними силай бошлиши биланок ўй-уга кетардим. Момомнинг дунёдаги ёлғиз сирдоши мен эдим. Момомнинг учта ўғифла-

ри урушга кетган, иккитаси кайтиб, Неммат исмли амаким қайтмаган. Момом нима учун-дир ҳеч ким йўғида менга бот-бот атиардилар: "Назира, сенинг хатнинг бор, бир жойларга ёссанг, Немматнинг дараги чи-кармикан? Шуни бир ёз", - дердилар итилоҳ билан. Рўмолла-рининг учда доимо лўлига атаплан, бир сўмлик пул бўларди. Қачон лўли келмасин, шу бир сўмни лўлининг олдига кўярлади, эхтимолки юзинчи бор фол очирадилар. "Менинг бир ўғлимни бор эди Неммат деган, урӯшдан келмади, шуни бир кўринг", - дердилар. Лўлилар ҳам бир гапни айтиларди: "Ўғлингиз ўлмаган, ўғлингиз ти-рик, асир тушган, келишга кўрқади, узоқда. Бир дарёнинг бўйида хотини, бола-чакаси бор, яшаб юрибди, бир кун ке-

лади". Бирор нотаниш киши отамни сўраб келса, мендан кимлигини сўрардилар, мен танимадим десам, Немматини бўлмасин янадар, дарвозага чиқардилар. Мен момомнинг келгучи кишига термулиб-тер-мулиб қарашларини кўп бор

сандман, момом алланечук бўлиб қолган. Охирги илинжидан ҳам айрилган одамдай, "Ҳишинг 4 йиллик экан, ҳеч бўлмас 2 йиллик ўқишига кирмабсан, 4 йилгача мен борми-йўқми?", - дердилар шикаста овозда. Соддигана момомиган кимлини армиядай деб ўйларди, шекилди. Мен момомга: "Ҳар ҳафта келиб турман", - деб вазда бердим. Ваъдам ваъда-личига колди, мен 2-3 хафтада ўига келардим. Ва албаттада момомдан ўнчайдай гап эшиштадим: "Ўтган ҳафта нега келмадинг, мен йўлга қараб ўтиридим, сен келсанг ҳамма жой тўлиб колади, сен бўлмассан ховли хувилаб қолгана ўхшайди", - дердилар. 4 йил ҳам ўтди. Мен институтни тутатдим. Лекин момомга яна бевафолик қилиб узокларга келин бўлиб кетдим. Мон-

мом бирданига чўкиб қолдилар. Юролмайдиган бўлиб қолдилар, ҳатто гапиришга ҳолла-ри колмади. Охирги марта бориб кўрганимда энди мен гапирдим, у киши тинглардилар. "Момо, эсингиздами, менинг сочимни майдалаб ўардингиз, момо, Неммат амаким албатта бир кун келадилар...". Момом кўзлари билан тасдиқ этардилар. Кайтаётганимда кўзлари билан имо қилиб ҳақирилар, ҳақирилар ва кучкоблап ўтилар. Бу момомнинг видолашганла-ри экан. Йиллар ўтган сари момомни кўпроқ эслайман. Үзокларга кетган бўлсан ҳам, Худо хоҳласа бир кун момомнинг ёнига келаман, тики машҳар куни момом билан ёнма-ён баштап шушмайни қилиб, менга ўхшаб пушмайни қилиб, ўзингизни кечиролмай юрманг...

Назира МАНСУРОВА
Бухоро шахри

